
ФАРҶОНАДАГИ CENTRAL ASIAN MEDICAL UNIVERSITY ҲАМДА ГЕРМАНИЯНИНГ МАНГЕЙМ УНИВЕРСИТЕТИ КЛИНИКАСИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

Фарғонадаги Central Asian Medical University (Марказий Осиё тиббиёт университети) ҳамда Германиянинг Мангейм университети клиникаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Вилюятимизда бўлиб турган клиника раҳбари Фредди Бергманн кеча олийгоҳда бўлиб, Central Asian Medical University ректори Нурилло Мамасодиқов билан музокаралар ўтказди.

Фредди Бергманн тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида вилюятимизнинг йирик компанияларидан бири бўлган, ҳозирги кунда таркибида деярли барча йўналишларни қамраган 10 та тиббий диагностик клиникалар фаолият олиб бораётган “Meridian Diagnostic Hospital” МЧЖ муассислигидаги тиббиёт муассасаларида ҳам бўлиб, яратилган шароитлар ва имкониятлар билан танишди.

“Meridian Diagnostic Hospital” МЧЖ шифокорларининг Германияда малака ошириш ва тажриба алмашинишларини йўлга қўйиш, вилюятимиздаги тиббиёт муассасаларига германиялик малакали шифокорларни жалб этган ҳолда амалий семинарлар ҳамда мураккаб амалиётлар ўтказиш, Central Asian Medical University ҳамда Мангейм университети ўртасида қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, қўшма тадқиқотлар ўтказиш каби кўп томонлама ҳамкорлик бўйича келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-10 12:16:45